

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

77 Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинадиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 311-моддасига мувофиқ ҳамда чет элда ишлаган шахслар ва иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан суғурта бадалларини тўлашнинг ягона механизмини ташкил этиш орқали пенсия қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинадиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги икки ой муддатда меҳнат дафтарчаларини юритиш тўғрисида йўриқномага чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари меҳнат дафтарчаларини тўлдириш қоидаларини назарда тутувчи ўзгартиришлар ва қўшимчаларни белгиланган тартибда киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — молия вазири Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 22 февраль,
46-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 22 февралдаги 46-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинadиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига (кейинги ўринларда Пенсия жамғармаси деб аталади) суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек улар томонидан Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадалларини, пенсияни ҳисоблаш учун олинadиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ёки фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий Бюролардан (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рухсатнома олган чет элда ёлланган ҳолда ишловчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси, шу-

нингдек Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва бошқа ташкилотлари томонидан хорижий давлатларда ташкил этилган (очилган) савдо уйлари, ваколатхоналар (шу жумладан юридик шахс ташкил этмаган ҳолда), ташкилотларда ишловчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

солиқ агенти ҳисобланмаган иш берувчидан даромад олувчи ходим — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбуриятлари юкланмаган Ўзбекистон Республикасидаги хорижий давлатлар дипломатик ваколатхонасида (элчихонасида ёки миссиясида), консуллик муассасасида (Бош консулликда, консулликда, вице-консулликда ёки консуллик агентлигида) ёки халқаро (ҳукуматлараро) ташкилотлар ваколатхоналарида ишловчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс;

якка тартибдаги тадбиркор — тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, мустақил равишда, ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк негизида ёки мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширувчи жисмоний шахс, шунингдек оилавий тадбиркорлик субъекти;

юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоси (кейинги ўринларда оилавий тадбиркорлик субъекти оиласи аъзоси деб аталади) — якка тартибдаги тадбиркорни (оилавий тадбиркорлик субъектини) давлат рўйхатига олиш тўғрисида гувоҳномада кўрсатилган хотини (эри), болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари (болалари ва набираларининг эрлари (хотинлари), туғишган ҳамда ўғай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эрлари (хотинлари) ҳамда болалари, тоға ва амаки ҳамда амма ва холалари);

деҳқон хўжалиги аъзоси — биргаликда яшаётган ва деҳқон хўжалигини биргаликда юритаётган оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, тарбияга олган болалари, ота-оналари, меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа қариндошлари.

3. Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс, солиқ агенти ҳисобланмаган иш берувчидан даромад олувчи ходим, шунингдек деҳқон хўжалиги аъзоси (деҳқон хўжалиги бошлиғидан ташқари) Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини ихтиёрий равишда тўлайдилар.

Якка тартибдаги тадбиркор ва деҳқон хўжалиги бошлиғи Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини мажбурий равишда тўлайдилар.

Оилавий тадбиркорлик субъекти оиласи аъзоси учун Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш бўйича мажбурият оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш юритадиган, якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзосига юкланади.

Шахсий ёрдамчи хўжаликларда қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган жисмоний шахслар бўйи-

ча суғурта бадалларини тўлаш ва ҳисобини юритиш ушбу Низомда деҳқон хўжалиги аъзоси учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркор томонидан ёлланган ходимлар суғурта бадаллари ҳисобини юритиш ушбу Низомда оилавий тадбиркорлик субъекти оиласи аъзоси учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

4. Ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатиб ўтилган шахслар Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш шарти билан Қонунга мувофиқ давлат пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўладилар.

Бунда пенсия миқдори Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадаллари миқдори ва иш стажининг давомийлигига боғлиқ бўлади.

5. Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадаллари қайтариб берилмайди, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 58-моддасида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

II. Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш тартиби

1-§. Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс томонидан Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш тартиби

6. Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс бошқа давлатда ишлаган ҳар бир оғи учун Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини ихтиёрий равишда тўлайди.

Чет элда ёлланган ҳолда ишлаган шахс Ўзбекистон Республикасига келгандан сўнг ваколатли орган томонидан келганидан кейин уч кун муддатда паспортидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтганлиги тўғрисидаги ёзувлар (муҳрлар, штамплар ёки белгилар) асосида Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш ва меҳнат дафтарчасига тегишли ёзувларни киритиш учун асос ҳисобланадиган белгиланган шаклдаги чет эл давлати ва у ерда бўлган вақти тўғрисида маълумотнома берилади.

Чет элда бўлиш даври, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг кўрсатиб ўтилган шахснинг бошқа давлатда бўлган вақти ва консуллик ҳисобига қўйилганлиги маълумоти кўрсатилган тегишли ҳужжатлар асосида ҳам тасдиқланиши мумкин.

7. Солиқ тўловчининг идентификация рақами (кейинги ўринларда СТИР деб аталади) мавжуд бўлмаганда чет элга ишлашга кетаётган шахс солиқ тўловчи сифатида унга СТИР расмийлаштирилиши билан биргаликда доимий яшаш жойи бўйича давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилиши шарт.

8. Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс пенсия билан таъминланиш миқдоридан келиб чиқиб Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари миқдорини мустақил равишда, бироқ ҳар оғи учун Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш санасида қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам оғи

лик иш ҳақининг бир баробаридан кам бўлмаган миқдорда белгилаши мумкин.

9. Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс томонидан суғурта бадалларини тўлаш қўйидаги тартибда амалга оширилиши мумкин:

ҳар ойда ёки ҳар чорақда;

бир йўла — Ўзбекистон Республикасига келган кунидан бошлаб уч ой мобайнида.

Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича тўланган тақдирда суғурта бадали тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатида кўрсатилган сана суғурта бадали тўланган кун ҳисобланади. Тўлов ҳужжатида фамилия, исм, отасининг исми, СТИР ва тўлов амалга оширилаётган давр албатта кўрсатилиши шарт. Агар тўлов ҳужжатида давр кўрсатилмаган бўлса, тўлов у амалга оширилаётган ой учун тўланган деб ҳисобланади.

10. Миллий валютадаги суғурта бадаллари чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс доимий яшаш жойи бўйича давлат солиқ хизмати органларига хизмат кўрсатаётган банкларда очилган Пенсия жамғармасининг тегишли даромад транзит ҳисоб рақамларига унинг томонидан мустақил равишда, оила аъзолари ёки ишончли вакил томонидан тўланади.

Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш хорижий валютада (бошқа давлат ҳудудидан) Пенсия жамғармасининг махсус валюта ҳисоб рақамларига амалга оширилиши мумкин ва тўлов санасига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютага қайта ҳисоблаб чиқилади.

11. Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс томонидан Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланмаган тақдирда, Пенсия жамғармасининг тегишли бўлими томонидан меҳнат дафтарчасига ёзувлар киритилмайди.

Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлашни тўхтатиб турганда, пенсия тайинлаш учун олинadиган иш стажи ҳисоби Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган сўнги санадан бошлаб тўхтатиб турилади.

Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадаллари миқдори суғурта бадалларининг белгиланган миқдоридан кам бўлган тақдирда, пенсия тайинлаш учун олинadиган тегишли давр учун иш стажи зарур маблағларни қўшимча киритиш шarti билан ҳисобга олинади.

2-§. Солиқ агенти ҳисобланмайдиган иш берувчидан даромад олувчи ходим томонидан Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш тартиби

12. Солиқ агенти ҳисобланмайдиган иш берувчидан даромад олувчи ходим Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияда кўрсатилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар суммасидан келиб чиққан ҳолда, суғурта бадалларини тўлаш ҳақида жами

йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш билан бир вақтда бериладиган ариза асосида ихтиёрий равишда тўлайди.

13. Давлат солиқ хизмати органи солиқ агенти ҳисобланмайдиган иш берувчидан даромад олувчи ходимнинг жами йиллик даромад тўғрисидаги декларациясида кўрсатилган маълумотлари асосида Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш бўйича олдинги йил учун мажбуриятларни ҳисоб-китоб қилади.

14. Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш солиқ агенти ҳисобланмайдиган иш берувчидан даромад олувчи ходимнинг доимий яшаш жойи бўйича давлат солиқ хизмати органларига хизмат кўрсатаётган банкларда очилган Пенсия жамғармасининг тегишли даромад транзит ҳисоб рақамларига давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқариладиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш муддатларида амалга оширилади.

Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича тўланган тақдирда суғурта бадали тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатида кўрсатилган сана суғурта бадали тўланган кун ҳисобланади. Тўлов ҳужжатида фамилия, исм, отасининг исми, СТИР ва тўлов амалга ошири-лаётган давр албатта кўрсатилиши шарт.

**3-§. Якка тартибдаги тадбиркор, деҳқон хўжалиги
аъзоси ва оилавий тадбиркорлик субъекти оиласи аъзоси
томонидан Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари
тўлаш тартиби**

15. Якка тартибдаги тадбиркор ва деҳқон хўжалиги аъзоси ўзи учун ўзидаги мавжуд имкониятлардан ва пенсия билан таъминланишнинг миқдоридан келиб чиқиб, Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари миқдорини мустақил равишда, бироқ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 311-моддасида белгиланган суғурта бадалларнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган миқдорида белгилайди.

Якка тартибдаги тадбиркор оилавий тадбиркорлик субъектининг ҳар бир аъзоси, шунингдек меҳнат шартномаси бўйича якка тартибдаги тадбиркор томонидан ёлланган ҳар бир ходим учун Пенсия жамғармасига ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали тўлайди.

16. Суғурта бадаллари:

якка тартибдаги тадбиркор ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзолари томонидан — ҳар ойда, тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тўланади;

деҳқон хўжалиги аъзоси томонидан — ҳисобот йилининг 1 октябрига-ча тўланади. Бунда суғурта бадалларининг миқдори тўлов кунига белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий тадбир-

корлик субъекти оила аъзолари томонидан суғурта бадалларини тўлаш улар якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади.

Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича тўланган тақдирда суғурта бадали тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатида кўрсатилган сана суғурта бадали тўланган кун ҳисобланади. Тўлов ҳужжатида фамилия, исм, отасининг исми, СТИР ва тўлов амалга ошириладиган давр албатта кўрсатилиши шарт. Бунда оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзолари ва деҳқон хўжалиги аъзолари бўйича тўлов ҳужжати ҳар бир оила аъзоси учун алоҳида-алоҳида ёзилади. Агар тўлов ҳужжатида давр кўрсатилмаган бўлса, тўлов у амалга ошириладиган ой (деҳқон хўжаликлари аъзолари учун — йил) учун тўланган деб ҳисобланади.

17. Суғурта бадаллари якка тартибдаги тадбиркорнинг (деҳқон хўжалиги аъзосининг) доимий яшаш жойи бўйича давлат солиқ хизмати органига хизмат кўрсатаётган банкларда очилган Пенсия жамғармасининг тегишли даромад транзит ҳисоб рақамларига тўланади.

18. Якка тартибдаги тадбиркор белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиб турган даврда Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш амалга оширилмайди ва ушбу даврда пенсия тайинлаш учун иш стажы ҳисобга олинмайди.

Деҳқон хўжалиги аъзоси ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзосига пенсия тайинлашда иш стажига Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланмаган даврлар қўшилмайди.

III. Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш ҳисобини юритиш тартиби

19. Якка тартибдаги тадбиркор (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс, деҳқон хўжалиги аъзоси томонидан ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзоси учун) Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадаллари ҳисоби унинг доимий яшаш жойи бўйича давлат солиқ хизмати органи ва Пенсия жамғармаси бўлимида юритилади.

Ушбу мақсадларда якка тартибдаги тадбиркор (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс, деҳқон хўжалиги аъзоси ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзоси) доимий яшаш манзили бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига қуйидаги ҳужжатларни топширади:

мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза;

давлат солиқ хизмати органлари томонидан берилган СТИР расмийлаштирилганлиги тўғрисида маълумотнома нусхаси;

паспорт нусхаси;

меҳнат ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси (агар мавжуд бўлса);

ваколатли орган томонидан расмийлаштирилган белгиланган шаклдаги чет эл давлати ва у ерда бўлган вақти тўғрисида маълумотнома — чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс учун;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан шахсий ёрдамчи хўжалигида қорамол мавжудлиги тўғрисида маълумотнома — қорамол ўстириш билан шуғулланувчи шахс учун.

Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадаллари ҳисоби, шу жумладан давлат солиқ хизмати органларида, ушбу Низомда назарда тутилган тартибда тўлдириш талабларига амал қилган ҳолда расмийлаштирилган тўлов хужжатлари асосида амалга оширилади.

20. Давлат солиқ хизмати органи якка тартибдаги тадбиркор (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс, деҳқон хўжалиги аъзоси томонидан ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзоси учун) Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунигача якка тартибдаги тадбиркорнинг (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахснинг, деҳқон хўжалиги аъзосининг ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзосининг) доимий яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига тўланган суғурта бадаллари тўғрисида ахборотни тақдим этади.

Давлат солиқ хизмати органи Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тушумлари бўйича яқунларни:

якка тартибдаги тадбиркордан, деҳқон хўжалиги раҳбаридан ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзолари учун — ҳар чоракда амалга оширади ва тўланмаган ёки муддати ўтказиб юборилган тўловлар аниқланган тақдирда кўрсатилган шахсга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 60-моддасига асосан унинг қарзи миқдори ҳақида ушбу қарз ҳосил бўлган давр, шунингдек тўлов муддати ўтказиб юборилганлиги учун қўшилган пеня миқдорини кўрсатган ҳолда талабнома юборади;

чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахсдан — ҳар йили амалга оширади.

21. Давлат солиқ органи якка тартибдаги тадбиркордан (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахсдан, деҳқон хўжалиги аъзосидан ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзоси учун) Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тушиши юзасидан доимий назорат олиб боради ва ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-кунигача якка тартибдаги тадбиркорнинг (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахснинг, деҳқон хўжалиги аъзосининг ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзосининг) доимий яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига:

мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳисобот чорагида ҳисобга қўйилган (ҳисобдан чиқарилган) якка тартибдаги тадбиркорлар (деҳқон хўжалиги аъзолари ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзолари) тўғрисидаги ахборотни;

мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадаллари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

22. Пенсия жамғармаси бўлими:

Пенсия жамғармаси бўлимида доимий равишда сақланадиган мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича Пенсия жамғармасига суғурта ба-

даллари тўланишини ҳисобга олишнинг шахсий карточкасини (кейинги ўринларда Ҳисобга олиш карточкаси деб аталади) очади (ёпади);

Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланганлиги тўғрисидаги, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда олинган маълумотлар асосида Ҳисобга олиш карточкасига Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари суммалари (якка тартибдаги тадбиркор томонидан Пенсия жамғармаси суғурта бадалларини ўз вақтида тўланмаганлиги учун ҳисобланадиган пеняни ҳисобга олмаган ҳолда) ва улар тўланган даврлар тўғрисидаги ёзувларни қайд этади;

конун ҳужжатларида белгиланган меҳнат дафтарчаларини юритиш тартибига мувофиқ якка тартибдаги тадбиркорнинг (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахсинг, деҳқон хўжалиги аъзосининг ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзосининг) меҳнат дафтарчасига тегишли ёзувларни қайд этади;

якка тартибдаги тадбиркорнинг (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахсинг, деҳқон хўжалиги аъзосининг ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзосининг) меҳнат дафтарчасига тегишли ёзувларнинг тўғри ва ўз вақтида қайд этилиши юзасидан жавоб беради.

23. Якка тартибдаги тадбиркорда (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахсда, деҳқон хўжалиги аъзосида ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзосида) сақланадиган Пенсия жамғармаси бўлими томонидан якка тартибдаги тадбиркорга (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахсга, деҳқон хўжалиги аъзосига ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзосига) мазкур Низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича очиладиган бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланишини ҳисобга олиш дафтарчаси (кейинги ўринларда Ҳисобга олиш дафтарчаси деб аталади), шунингдек Пенсия жамғармасига суғурта бадалларининг тўланганлигини тасдиқловчи банк квитанциялари ва тўлов ҳужжатларининг асл нусхалари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланганлигини тасдиқловчи асосий ҳужжатлар ҳисобланади.

24. Якка тартибдаги тадбиркорнинг (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахсинг, деҳқон хўжалиги аъзосининг ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзосининг) хошишига кўра Пенсия жамғармаси бўлими тўлов ҳужжатлари билан тасдиқланган Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадаллари суммаларини Ҳисобга олиш карточкасига ва Ҳисобга олиш дафтардаги ёзувлар билан солиштириши шарт. Солиштириш натижалари Ҳисобга олиш карточкаси ва Ҳисобга олиш дафтарига киритилади ҳамда якка тартибдаги тадбиркор (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс, деҳқон хўжалиги аъзоси ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзоси), Пенсия жамғармаси бўлими масъул ходими ва раҳбарининг имзоси, шунингдек Пенсия жамғармаси бўлими муҳри билан тасдиқланади.

25. Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатлари Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадаллар Ҳисобга олиш карточкаси ва Ҳисобга олиш дафтардаги ёзувлар билан солиштирил-

гунга қадар ва солиштирилгандан кейин ҳам якка тартибдаги тадбиркорда (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахсда, деҳқон хўжалиги аъзосида ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзосида) сақланиши керак.

26. Якка тартибдаги тадбиркор (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс, деҳқон хўжалиги аъзоси ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзоси)-нинг доимий яшаш жойи ўзгарганда Пенсия жамғармаси бўлими бир кун давомида якка тартибдаги тадбиркорнинг (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахснинг, деҳқон хўжалиги аъзосининг ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзосининг) тегишли аризаси ва рўйхатдан чиққанлиги тўғрисидаги белги қўйилган унинг паспорти нусхаси асосида Ҳисобга олиш карточкаси-га ва Ҳисобга олиш дафтарига ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисида тегишли белгиларни киритади.

Янги яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлими бир кун давомида яшаш жойи ўзгарганлиги муносабати билан Ҳисобга олиш карточкасини ва Ҳисобга олиш дафтари ҳисобга қўйиш тўғрисидаги якка тартибдаги тадбиркорнинг (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахснинг, деҳқон хўжалиги аъзосининг ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзосининг) аризасига асосан янги яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйилганлиги тўғрисида паспортдаги белги асосида Ҳисобга олиш карточкасини ва Ҳисобга олиш дафтари-ни ҳисобга қўяди.

IV. Иш стажи ҳисобини юритиш тартиби

27. Якка тартибдаги тадбиркорнинг (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахснинг, деҳқон хўжалиги аъзосининг ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзосининг) меҳнат дафтарчаси якка тартибдаги тадбиркорнинг (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахснинг, деҳқон хўжалиги аъзосининг ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзосининг) доимий яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимида фаолиятни амалга оширишнинг (Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлашнинг) бутун даври давомида сақланади ва юритилади.

28. Агар деҳқон хўжалигидаги меҳнати ёки якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти фуқаро учун қўшимча ҳисобланса унинг меҳнат дафтарчаси асосий иш жойида юритилади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг (деҳқон хўжалиги аъзосининг ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзосининг) хоҳишига кўра меҳнат дафтарчасига якка тартибдаги тадбиркор (деҳқон хўжалиги аъзоси ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзоси) сифатидаги фаолият даври тўғрисидаги ёзув киритилиши мумкин. Ёзув рўйхатдан ўтган жойидаги Пенсия жамғармаси бўлими томонидан киритилади.

29. Якка тартибдаги тадбиркор (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс, деҳқон хўжалиги аъзоси ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзоси) фаолияти тўғрисида меҳнат дафтарчасига тегишли ёзувлар якка тартибдаги тадбиркорнинг (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахснинг, деҳқон хўжали-

ги аъзосининг ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзосининг) доимий яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлими томонидан киритилади.

Агар якка тартибдаги тадбиркор (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс, деҳқон хўжалиги аъзоси ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзоси) Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлагунга қадар меҳнат дафтарчасига эга бўлмаган бўлса, меҳнат дафтарчаси бланки Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказлари томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилади.

Меҳнат дафтарчаси бланкаси учун ҳақ уни олувчи томонидан, белгиланган тартибда тўланади.

30. Якка тартибдаги тадбиркор (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс, деҳқон хўжалиги аъзоси ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзоси) фаолияти тўғрисидаги меҳнат дафтарчасига тегишли ёзувлар Пенсия жамғармаси бўлимининг масъул ходими имзоси ва Пенсия жамғармаси бўлимининг гербли муҳри билан тасдиқланади.

Фаолиятини ёки Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлашни тўхтатган, шунингдек доимий яшаш жойини ўзгартирган шахснинг талабига асосан Пенсия жамғармаси бўлими мурожаат этган кундан кечиктирмай унга меҳнат дафтарчасини беради.

31. Пенсия тайинлаш учун якка тартибдаги тадбиркорнинг (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахснинг, деҳқон хўжалиги аъзосининг ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзосининг) бандлиги даврини ҳисобга олишда меҳнат дафтарчасидаги тегишли ёзувлар, шунингдек Ҳисобга олиш карточкасида ҳам тасдиқланиши керак.

32. Якка тартибдаги тадбиркорнинг (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахснинг, деҳқон хўжалиги аъзосининг ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзосининг) кўрсатилган фаолият тури билан бандлик даври тўғрисидаги ёзувлар Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган даврлар тўғрисидаги ёзувларга мос келиши юзасидан назорат Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи томонидан амалга оширилади.

V. Пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисоблаб чиқиш тартиби

33. Ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатиб ўтилган шахслар иш стажига улар фаолият юритган ва Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган даврлар киритилади.

34. Пенсия тайинлаш учун якка тартибдаги тадбиркорнинг (деҳқон хўжалиги раҳбарининг ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзосининг) иш стажини ҳисоблаб чиқишда, агар Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадаллари суммаси ушбу йилнинг барча ойлари учун белгиланган энг кам суғурта бадалларидан кам бўлмаса (тўланган пеняларни ҳисобга олманган ҳолда) иш стажига календарь йил қўшилади.

35. Деҳқон хўжалиги аъзосига пенсия тайинлаш учун иш стажини ҳисоб-

лаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 311-моддасида белгиланган Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари миқдори тўланганда иш стажига бир йил қўшилади.

36. Солиқ агенти ҳисобланмайдиган иш берувчидан даромад олувчи ходимга пенсия тайинлаш учун иш стажини ҳисоблаб чиқишда, агар Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадаллари суммаси жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияда кўрсатилган маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқилган суғурта бадаллари миқдоридан кам бўлмаган бўлса, иш стажига календарь йил қўшилади.

37. Бошқа барча ҳолатларда иш стажи Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган ойларга мутаносиб равишда ҳисобга олинади.

38. Меҳнат дафтарчаси бўлмаган ёки йўқолган тақдирда якка тартибдаги тадбиркорнинг (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахснинг, деҳқон хўжалиги аъзосининг ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзосининг) пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажи тўлов ҳужжатлари билан тасдиқланган Ҳисобга олиш карточкасидаги ёки Ҳисобга олиш дафтарисидаги ёзувлар асосида ҳисоблаб чиқилади.

Якка тартибдаги тадбиркор (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс, солиқ агенти ҳисобланмайдиган иш берувчидан даромад олувчи ходим, деҳқон хўжалиги аъзоси ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзоси) томонидан Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш далили гувоҳлар кўрсатмалари билан тасдиқланмайди.

39. Пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайдиган аниқ бир ой (йил) учун якка тартибдаги тадбиркорнинг (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахснинг, солиқ агенти ҳисобланмайдиган иш берувчидан даромад олувчи ходимнинг ва деҳқон хўжалиги аъзосининг) даромади Пенсия жамғармасига тўланган ойлик (йиллик) суғурта бадали суммасини Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш даврида амалда бўлган ягона ижтимоий тўлов (микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек фермер хўжаликлари учун) ва суғурта бадалларининг умумий ставкасига бўлиш ҳамда олинган натижани 100 га кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Якка тартибдаги тадбиркор томонидан ёлланган ходимнинг, шунингдек оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзосининг пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайдиган аниқ бир ой учун даромади Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган ойдаги меҳнатга ҳақ тўлашнинг қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига тенг қилиб олинади.

VI. Яқунловчи қоидалар

40. Мазкур Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

41. Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ҳисоби, ҳисоботи ва назорати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинадиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга

1-ИЛОВА

Пенсия жамғармаси туман (шаҳар)

_____ бўлимига
(туман, шаҳар номи)

_____ манзилда яшайдиган

(Паспорти: серияси _____ № _____
_____ йил «___» _____ да

_____ да туғилган

фуқаро _____ дан
(Ф.И.О.)

**Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимида
ҳисобга қўйиш тўғрисида
АРИЗА**

Мени Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимига яқка тартибдаги тадбиркор (_____ деҳқон хўжалиги аъзоси, юридик шахс
(деҳқон хўжалиги номи)

ташкил этмаган ҳолда _____ оилавий тадбиркорлик
(оилавий тадбиркорлик субъекти номи)

субъекти оила аъзоси, чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс) сифатида рўйхатга қўйишингизни сўрайман (кераклисизнинг тагига чизилсин).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 февралдаги 46-сон қарори билан тасдиқланган Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун

олинадиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом билан танишиб чиқдим.

Сана: 20__ йил __ _____

Имзо: _____

Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинадиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**20__ йилнинг _____ чорагида _____ ҳисобга қўйилган (ҳисобдан чиқарилган) якка тартибдаги тадбиркорлар (деҳқон хўжалиги аъзолари ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзолари) тўғрисида
МАЪЛУМОТЛАР**

Т/р	Тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми	СТИР	Паспорт (серия, рақами)	Прописка қилинган манзили	Сана		Пенсионер (ҳа, йўқ)
					рўйхатдан ўтган	рўйхатдан чиқарилган	
1.							
2.							
3.							
4.							
5.							
6.							
7.							
8.							
9.							
10.							

Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

_____ (имзо)

20__ йил __ _____

М.Ў.

Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинadиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

**20__ йилнинг _____ чорагида бюджетдан ташқари
Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадаллари тўғрисида
МАЪЛУМОТЛАР**

Т/р	Тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми	СТИР	Қайси давр учун (ой кўрсатилсин)	Сумма (сўм)
			Чорак учун ҳаммаси	
			Чорак учун ҳаммаси	
			Чорак учун ҳаммаси	
	Жами			

Туман (шаҳар) давлат солиқ
инспекцияси бошлиғи

(имзо)

20__ йил _____

М.Ў.

Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинadиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида низомга
4-ИЛОВА

Олд томони

**Тўланган суғурта бадалларининг _____-сон
Ҳисобга олиш карточкаси**

_____ (Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими)	_____ (тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми)	_____ туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси томонидан ҳисобга қўйилди																						
_____ сифатида фаолиятини давом эттириш	_____ (прописка қилинган манзили)	_____ -рақамли СТИР берилди																						
<table border="1" style="width: 100%; border-collapse: collapse;"> <thead> <tr> <th style="width: 50%;">СТИР рақами</th> <th style="width: 50%;">сана</th> </tr> </thead> <tbody> <tr><td> </td><td> </td></tr> </tbody> </table>	СТИР рақами	сана																					_____ (паспорт серияси, рақами, берилган вақти)	Бадалларни ҳисобга олиш карточкаси очилган сана 20__ йил ____
СТИР рақами	сана																							
		ПЖ _____ туман (шаҳар) бўлими																						
		М.Ў. ПЖ _____ бўлимининг маблағларга эҳтиёжни аниқлаш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи шўъбаси мудирини																						

**Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадаллари тўғрисида
МАЪЛУМОТЛАР**

Йил				Йил				Йил			
ой	сумма	асос	имзо	ой	сумма	асос	имзо	ой	сумма	асос	имзо
Январь				Январь				Январь			
Февраль				Февраль				Февраль			
Март				Март				Март			
Апрель				Апрель				Апрель			
Май				Май				Май			
Июнь				Июнь				Июнь			
Июль				Июль				Июль			
Август				Август				Август			
Сентябрь				Сентябрь				Сентябрь			
Октябрь				Октябрь				Октябрь			
Ноябрь				Ноябрь				Ноябрь			
Декабрь				Декабрь				Декабрь			
Ҳаммаси				Ҳаммаси				Ҳаммаси			
Жами				Жами				Жами			

Орқа томони

**Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадаллари тўғрисида
МАЪЛУМОТЛАР**

Йил				Йил				Йил		
ой	сумма	асос	имзо	ой	сумма	асос	имзо	ой	сумма	асос
Январь				Январь				Январь		
Февраль				Февраль				Февраль		
Март				Март				Март		
Апрель				Апрель				Апрель		
Май				Май				Май		
Июнь				Июнь				Июнь		
Июль				Июль				Июль		
Август				Август				Август		
Сентябрь				Сентябрь				Сентябрь		
Октябрь				Октябрь				Октябрь		
Ноябрь				Ноябрь				Ноябрь		
Декабрь				Декабрь				Декабрь		
Ҳаммаси				Ҳаммаси				Ҳаммаси		
Жами				Жами				Жами		

Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинadиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида низомга
5-ИЛОВА

Муҳова

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси**

**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига
сугурта бадаллари тўланишини
ҳисобга олиш
ДАФТАРИ**

Сарварақ

_____ туман (шаҳар) Пенсия жамғармаси бўлими

Фамилияси _____

Исми _____ Отасининг исми _____

Туғилган санаси _____
(йил, кун, ой)

Паспорт: серияси _____, рақами _____,
_____ томонидан берилган.

Ҳисобга олиш дафтари 20__ йилда ____ да берилган.

_____ туман (шаҳар)
Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи
имзоси _____

Тўловчи имзоси _____

М.Ў.

Кейинги варақлар

_____ туман (шаҳар) Пенсия жамғармаси бўлими

**Тўланган суғурта бадаллари тўғрисида
МАЪЛУМОТЛАР**

_____, _____ СТИР рақами
(якка тартибдаги тадбиркор, чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс, деҳқон хўжалиги аъзоси ва оилавий тадбиркорлик субъекти оиласи аъзоси фамилияси, исми, отасининг исми)

20__ йил

Т/р	Ойлар	Бадал суммаси	Асос	Масъул шахс имзоси
1.	Январь			
2.	Февраль			
3.	Март			
4.	Апрель			
5.	Май			
6.	Июнь			
7.	Июль			
8.	Август			
9.	Сентябрь			
10.	Октябрь			
11.	Ноябрь			
12.	Декабрь			
	Ҳаммаси			

Солиштириб чиқилди _____

(Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлими ходими Ф.И.О.)

20__ й. _____

_____ туман (шаҳар)
Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи
имзоси _____

Тўловчи имзоси _____

М.Ў.

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 22 февралдаги 46-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ–616-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2007 йил 8 майдаги 95-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 5-сон, 25-модда) 2-илова 13-бандининг «а» кичик бандида:

учинчи хатбошидаги «4-банднинг учинчи хатбошидаги, 6-банднинг иккинчи хатбошидаги, 15-банддаги,» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

олтинчи — ўн тўртинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПФ–4161-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1251-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1252-сон қарорлари) 2010 йил 24 мартдаги 52-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 3-сон, 12-модда) 1-илова 33-бандининг «в» кичик бандида:

иккинчи — ўн иккинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

ўн учинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 22 февралдаги 46-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1997 йил 11 февралдаги 74-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 2-сон, 5-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзоларини давлат томонидан ижтимоий суғурталаш тўғрисида» 2001 йил 24 августдаги 351-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 8-сон, 50-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 апрелдаги 67-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 4-сон, 27-модда) билан тасдиқланган Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқаётган ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотаётган фуқароларнинг бандлиги тўғрисидаги низомнинг 3-банди, II ва III бўлимлари.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Деҳқон хўжалиги аъзоларини ижтимоий суғурталаш ва уларнинг ижтимоий таъминоти тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида» 2006 йил 31 майдаги 102-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 5-сон, 41-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзоларини давлат томонидан ижтимоий суғурталаш тўғрисида» 2001 йил 24 августдаги 351-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 2007 йил 5 июлдаги 138-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 7-сон, 38-модда).

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2009 йил 21 декабрдаги ПФ-4158-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарори)» 2010 йил 17 февралдаги 22-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 2-сон, 8-модда) илованинг 6-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Дафн этишга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2011 йил 14 июндаги

8 (716)-сон

— 41 —

77-78-моддалар

174-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 6-сон, 51-модда) 2-илованинг 2-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 9-сон, 75-модда) билан тасдиқланган Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 73-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусий тадбиркорлар томонидан ходимларни ёллаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2015 йил 31 июлдаги 219-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 7-сон, 65-модда) 2-илованинг 1-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралдаги 38-ф-сон фармойиши.